

Қонун тарғиботига бағишланган давра сұхбати бўлиб ўтди



Термиз туман Ички ишлар бўлимида Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 27 сентябрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳияти юзасидан давра сұхбати ўtkazildi.

Термиз туман прокурори Акмал Халиқов, Жиноят ишлари бўйича туман суди раиси Одил Бегимқулов, Ички ишлар бўлими ходимлари иштирок этган давра сұхбатида кейинги йилларда мамлакатимизда адолатни қарор топтириш мақсадида, суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга доир кенг кўламли ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгартиши ва қўшимчалар ҳамда мазкур қонун билан суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш механизмини янада такомиллаштирилиши ҳақида батафсил маълумот берилди.